

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ти-
жорат банклари томонидан “Ички валюта бозорида
Этика кодекси” ишлаб чиқилди. Мазкур Кодекс ички
валюта бозорининг яхлитлиги, самарадорлигини
таъминлаш ва такомиллаштиришга қаратилган
бўлиб, қонунчилик ҳужжатларида тўғридан-тўғри
кўзда тутилмаган масалаларни тартибга солиш
бўйича тавсиявий характерга эга.

ИЧКИ ВАЛЮТА БОЗОРИДА ЭТИКА КОДЕКСИ

Кодекс ички валюта
бозорида қуйидаги асосий
тамоийилларни ўз ичига
олади:

— профессионализм —
ички валюта бозорида фао-
лият олиб боровчи масъул
ходимларнинг профессио-
нал даражада тегишли таж-
риба, техник билим, ма-
лака ва кўникмаларга эга
бўлиши;

— маълумотлар кон-
фиденциаллиги — бозор
иштирокчилари томони-
дан ўз миқдорларига хиз-
мат кўрсатиш жараёнида
олган конфиденциал маъ-
лумотларни сақлаш, ҳимоя
қилиш ва улардан фойда-
ланиш;

— манфаатлар тўқна-
шуви — ички валюта бо-
зори иштирокчиларининг
хизмат мажбуриятлари-
ни объектив ва холисо-
на бажаришига таъсир
кўрсатадиган бевосита ёки
билвосита шахсий манфа-
атлар тўқнашуви;

— бозор манипуляция-
си — бозор иштирокчи-
лари томонидан бозорнинг
бошқа иштирокчиларини
чалғитиш ва бозор фао-
лиятини барқарор ишла-
шига тўсқинлик қилиш
мақсадида чалғитувчи
нархларда буюрт-
маларнинг киритилиши
ёки талаб, таклиф ва сав-
долар ҳажмининг сунъий
равишда оширилиши;

— ахборот алмашиш
ва коммуникация — бозор
иштирокчилари ўртасида
маълумотлар шаффофли-
гини таъминланиши, ах-
борот алмашинувида про-
фессинал ёндашув ҳамда

нотўғри маълумотлар
таркатмаслик;

— миқдорлар билан му-
носабатлар — бозор ишти-
рокчилари ва ўз миқдорлари
ўртасидаги ахлокий меъёр
ва профессионалликка
амал қилинган муносабат-
лар.

Айтиш лозимки, “Ички
валюта бозорида Этика
кодекси” тижорат банк-
лари томонидан қабул
қилинган ҳолда ички ва-
люта бозоридаги фаоли-
ят кодекс қоидаларига
мувофиқлаштирилмоқда.

Бугунги кунда жисмо-
ний шахсларнинг халқаро
пул ўтказмаларини амалга
оширишда янада қулай ша-
роит яратиш мақсадида ти-
жорат банкларида “Золотая
корона”, “Western Union”,
“Contakt”, “MoneyGram”,
“Migom”, “Unistream”, “Ria
Money Transfer”, “Азия-
экспресс”, “Intel Express”,
“UPT” каби халқаро пул
ўтказмалари тизимла-
ри ишлаб турибди. Шу
билан бирга, жисмоний
шахслар чет элдан пул
ўтказмаси орқали келиб
тушган пул маблағларини
ўз хоҳишларига кўра чет
эл валютасида ёки миллий
валютада олиш имконият-
лари яратилган. Бундан
ташқари, масофавий тарз-
да жисмоний шахслар
банк биноларига ташриф
буюрмаган ҳолда халқаро
пул ўтказмалари тизими
орқали келиб тушган пул
мблағларини ўзларининг
банк карталарига тўғридан-
тўғри қабул қилиб олишла-
ри бўйича зарурий чора-
лар кўрилган.

КАФИЛ БЎЛИШДАН ОЛДИН

Кейинги вақтда Ўзбекистон Респу-
бликаси Марказий банкининг Банк хизмат-
лари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш хизматида кредитлар-
га кафил бўлган фуқаролар томони-
дан қарздорлар ўз вақтида кредитлар-
ни қайтармаслиги натижасида уларни
ундириш кафилнинг ҳисоб рақамига
қаратилаётганлиги масаласи бўйича му-
рожаатлар келиб
тушмоқда.

Хусусан, ўз вақтида
тўланмаган кредит қарздорлиги
вужудга келганда, қарз олув-
чининг ҳисобварағида маблағи
бўлмаса, банклар томонидан
қарздорликни ундириш нимага
қарз олувчига тегишли бошқа
мол-мулкларга қарамасдан,
қарздорликни сўндириш дарҳол
кафилнинг банк карталари-
даги мавжуд пул маблағлари
ҳисобидан акцептсиз (миқдор-
нинг розилигисиз) тарзда амалга
оширилаётганлиги бўйича эъти-
роз билдирилиб, банклар бундай
қилишга ҳақлими, деган савол-
лар берилмоқда.

Мазкур эътирозлар бўйича
кафил бўлган фуқаролар билан
суҳбатлашилганда улар яқин та-
нишларига ишонган ҳолда, қарз
олувчининг молиявий ҳолатини
ўрганиб чиқмасдан ҳамда кафил-
лик шартномаси шартлари билан
ўзлик танишмай туриб, шунча-

ки “расмиятчилик учун” имзо
қўйиб беряпман, деган фикр
билан кредит бўйича кафил си-
фатида ўзларига молиявий маж-
бурият олганликлари маълум
бўлмоқда.

Қайд этиш лозимки, кафил
шахс кредит маблағи ажратган
кредит ташкилоти олдида қарз
олувчи билан баробар жавоб
беради (кафиллик шартнома-
сида бошқача тартиб назарда
тутилган бўлмаса), шу жумла-
дан, кафил шахс кредит ташки-
лотига қарздорнинг ўз вақтида
тўланмаган кредитининг асосий
қарзи ва унга ҳисобланган фоиз-
ларини тўлашдан ташқари, ушбу
кредитни ундириб олиш билан
боғлиқ суд харажатларини ва
қарздор ўз мажбуриятини бажар-
маганлиги ёки лозим даражада
бажармаганлиги туфайли кредит
ташкилотига етказилган бошқа
зарарларни ҳам тўлайди.

ТАШҚИ САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИДА ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР УЗЛУКСИЗЛИГИ

Бугунги кунда ташқи савдо шартномалари, пул ўтказмалари
тизимлари ҳамда бошқа трансчегаравий тўловларни амалга
оширишда тегишли Халқаро молиявий ахборот алмашинуви
тизими фаолияти йўлга қўйилган.



Тижорат банклари томони-
дан трансчегаравий ўзаро ҳисоб-
китобларнинг узлуксизлиги
билан боғлиқ хавф-хатарларни
олдини олиш ҳамда хўжалик
субъектлари ва аҳолининг жорий
халқаро амалиётлари доираси-
да тўловлари (пул ўтказмалари)
ни чекловларсиз ва ўз вақтида
амалга оширилишини таъмин-

лаш мақсадида ўз ихтиёрига
кўра муқобил тўлов тизимла-
ри фаолиятини йўлга қўйиш
бўйича тегишли чоралар кўриб
борилмоқда.

Ўз навбатида Марказий
банк жорий вазиятни доимий
равишда кузатиб бормоқда.
Зарур ҳолларда банк тизими
ва тўлов тизимлари фаоли-
ти барқарорлигини, жумла-
дан, халқаро муносабатлар
доирасида эркин молиявий
ахборот алмашинуви ва ҳисоб-
китобларнинг узлуксизлигини
таъминлаш бўйича қўшимча
чоралар кўрилишини таъмин-
лайди.



2022 йил, май

ХАЛҚАРО ПЛАС ФОРУМ




Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қўмағида 2022 йил
25-26 май кунлари Тошкент шаҳрида “Банклар ва чакана савдо ва
рақамли трансформация ва ўзаро ҳамкорлик” мавзусида халқаро
ПЛАСС-форум бўлиб ўтди.

Тадбирнинг асосий мақсади — банк-молия технологиялари соҳасида
ҳамкорликка қўшимча туртки бериш, Ўзбекистон иқтисодиётига янги,
жумладан, халқаро истикболли лойиҳаларни жорий этишдан иборат.

Форум онлайн ва офлайн чакана савдони ривожлантиришга, уни
янада трансформация қилишга ёрдам берди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рисклар-
ни бошқариш бўйича эксперт, “BFC Consulting” консал-
тинг компанияси тренери Ш.Абдураимжонов иштиро-
кида кредит беришда миқдорларни ўрганиш масалаларига
бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Марказий банк ва
тижорат банкларининг 80 дан ортиқ ходимлари иштирок
этдилар.



Семинарда кредит опера-
цияларида фирибгарлик
тушунчаси билан боғлиқ кенг
қўламли масалалар, шу жумла-
дан, қарз олувчиларни визуал
текшириш усуллари, фириб-
гарлик фактларини аниқлашда
ходимларнинг жонкуярлигини
ошириш ва қарз олувчилар-

ни телефон орқали самарали
текшириш масалалари кўриб
чиқилди. Халқаро эксперт ўз
амалий тажрибасидан келиб
чиққан ҳолда, эҳтимолий фи-
рибгарлик операцияларининг
белгилари ва уларни аниқлаш
усуллари хусусида сўзлаб бер-
ди.

ЯНГИ ҚОНУН ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томо-
нидан “Нобанк кредит ташкилотлари ва мик-
ромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги
қонун имзоланди.

Мазкур қонунда:

- нобанк кредит ташкилотларининг ўз фаоли-
ятини молиялаштириш имкониятини кенгайти-
риш;
- молиявий хизматлар оммабоплигини оши-
риш, жумладан, микромолия ташкилотлари томо-
нидан исломий молиялаштиришга оид хизматлар
кўрсатиш учун ҳуқуқий асос яратиш;
- “тартибга солиш қумдони”¹ доирасида мо-
лиявий хизматларнинг янги турларини синовдан
ўтказиш имкониятини яратиш;
- мутаносиб тарзда тартибга солиш натижа-
сида нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини
ортиқча тартибга солишнинг олдини олиш;
- нобанк кредит ташкилотлари хизматлари ис-
теъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ти-
зимини такомиллаштиришга йўналтирилган нор-
малар белгиланган.

¹ «Тартибга солиш қумдони» — Юридик шахс-
ларнинг янги молиявий операциялар, технология-
лар ва хизматларни назорат қилинадиган чекланган
мухитда (қамров ҳудуди, синов даври, операциялар
ва хизматларнинг сони ва (ёки) ҳажми, истеъмол-
чилар сони ва бошқалар) синовдан ўтказиш бўйича
фаолиятини махсус тартибга солиш молиявий хиз-
матлар соҳасидаги махсус ҳуқуқий режимдир.

ПУЛИНГИЗНИ БАНКЛАРДА САҚЛАНГ

Нима учун пулларни банкларда сақлаш хавфсиз ва самарали? “Global money week” ҳафталиги доирасида ўқитувчилар ўртасида ўтказилган танлов айнан шу мавзуга бағишланди.

Танлов шартларига кўра, иштирокчилар дарс-ни ноанъанавий усулда

ташкил этишлари, мавзу-ни ўз предметларига инте-грация қилишлари ва бел-гиланган вақт мобайнида ўқувчиларга кўпроқ билим ва кўникма беришлари за-рур. Дарсларнинг сифат-ли ташкил этилиши учун “Hamkorbank”нинг мала-кали мутахассислари томо-



нидан семинар-тренинглар ўтказилди. Тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Республи-каси Марказий банки ҳамда “Hamkorbank” АТБ бирга-ликда ташкил этган “Моли-явий саводхонлик бўйича энг яхши дарс” танлови-да жами 15 та мактабнинг ўқитувчилари иштирок

этди. Пулларни банкларда сақлашнинг ўзига хос аф-залликларини муваффақият билан ёритиб берган устоз-лар голиблар қаторидан жой олди.

Голиб ва совриндор-лар “Hamkorbank” то-монидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР



ридан контакtsiz тўловларни қабул қилувчи терминалга айлантириш мумкин.

Афзалликлари:

- мобиллик — тўловларни истал-ган жойда қабул қилиш мумкин;
- ускуна учун харажат қилмаслик;
- тўловларнинг хавфсизлиги ва соддалиги;
- бепул уланиш.

Юртдошларимиз истаган “Ham- korbank” офисига мурожаат қилиб, NFC функциясига эга Android 8.0 (ва ундан юқори) смартфонни ўзи билан олиб юрса бўладиган шахсий терминалга айлантириши мумкин. Бу ҳаммага жуда қулай.

Кореядан пул жўнатишадими? У ҳолда ик-киланмай ўтказмаларни қулай усулда қабул қилса бўлади. Бу борада “Hamkorbank” яқиндан қўмаклашади.

Кореядан пул жўнатишса

GmoneyTrans иловаси ёрдамида Кореядан “Hamkorbank” карталарига бир неча ҳаракат орқали пул ўтказиш мумкин. Ҳатто дам олиш кун-ларида ҳам муаммо бўлмайди. Ўтказмани АҚШ долларида олишни истасангиз Visa карта расмийлаштирилади. Сўмда маъкул бўлса, Uzcardдан фойдаланинг. Асосийси ҳаммаси жуда осон.

Мижозларга қулайлик яратиш банкимизнинг бош мақсади. Бу йўлда бор имкониятларимизни ишга соламыз.



БИЗНЕС ЭГАЛАРИ УЧУН ЯНГИЛИК

“Hamkorbank”
“Хуш келибсиз”
тариф режасини
манфаатли шарт-
ларда таклиф эта-
ди. Ойига атиги
120 000 сўм эвазига,
қуйидагиларга эга
бўлишингиз мумкин:

- ҳисобварақлар дебет айланмаси учун банк хизмати — 0,1%;
- интернет банкинг, мобил банкинг ва СМС-хабарнома хизмати — бепул;
- ҳисоб рақам билан боғлиқ барча маълумотлар бепул тақдим этилади.

Тариф режа фақат “Hamkorbank” тизимида янги ҳисоб рақам очган ми-жозлар учун қўлланилади.

Юқори сифат, чўнтакбоп нархлар, тезкорлик ва қулайликни ҳис этишни истасангиз, “Hamkorbank”да ҳисоб рақам очинг.

“Хуш келибсиз” тариф режаси — бизнесингиз учун даромадли имконият демек.

Каттақўрғон филиали 2020 йилнинг март ойида фаолияти-ни бошлаган. Орадан ўтган қисқа вақт жамоамиз учун юқалиш даври бўлди, деб айтсак муболага бўлмайди. Бугунги кунда 38 на-фар ходим билан эришайтган ютуқларимиз ўрганишга арзирли.

ҚИСҚА ДАВРДА КАТТА ЎСИШ

Банкнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган мижозларни жалб этишдаги ўсиш фикримиз тасдиғидир. Йил бошидан буён 77 та юридик ми-жоз жалб қилинди. Нати-жада уларнинг сони 380 тадан ошди. “LONGLI C O N S T R U C T I O N INSTALLATION” ва “DKIZ 2022” масъулияти чеклан-ган жамиятлари, кўплаб йирик айланма ва талаб қилиб олингунча депозит маблағларига эга мижозлар жалб қилинди.

Рақамлар билан айт-ганда, ютуқларимиз янада яққолроқ кўзга ташланади. 2022 йилнинг 4 ойида юри-дик шахслардан олинган валюта даромадлари 335,2 млн. сўмни ташкил қилиб, режа 750 фоизга бажарил-ди. Ҳисоб касса хизматидан олинган даромадлар 631,3



млн. сўмни ташкил этди. Бу билан режа кўрсаткичи 223 фоизга етди. Юридик шах-слар талаб қилиб олингунча депозит маблағлари, муддат-ли ва жамғарма депозитлари қолдиғини кескин оширишга эришилгани ҳам эътиборли.

Йил бошидан буён 600 дан зиёд жисмоний шахс-



ларга 12 млрд. сўм, 80 та юридик мижозларга 14 млрд. сўм кредит маблағлари ажратил-ди. Бу айти вақтда мижозларда банки-мизга бўлган ишончни оширди.

Чаканайўналишида ҳам барча бизнес режа ортиғи билан бажа-ришга эришилмоқда.

Жумладан, ВАШ ва конверсия амалиётларидан олинган даромад 320 млн. сўмни ташкил қилиб 407 фоизга, “Сбербанк онлайн” даромади (1454,9 млн. сўм) 564 фоизга, миллий индиви-дуал карталар 2987 та очи-либ бу борадаги режа 573 фоизга бажарилди. Бундан

ташқари доимий равишда омонат ва пластик карталар қолдиғи ошириб борилиши-га эришилди. Энг асосийси, 4 ойлик ўрнатилган 1,1 млрд. сўм фойда режаси 3,4 млрд. сўмга, яъни 317,3 фоизга ба-жарилди.

Албатта, юқоридаги ютуқларга ўз-ўзидан эри-шилгани йўқ. Бунинг зами-рида жамоанинг самарали меҳнати бор. Айниқса, Но-сирбек Гулмуродов, Жав-лонбек Широ, Шухрат Жўраев ва Комилжон Абду-валиевларнинг фаоллигини алоҳида тилга олиш ўринли.

Гўзал ҲАЙДАРОВА,
филиалнинг ходимлар
билан ишлаш менежери.



Юқоридагилардан келиб чиқиб доим жамоатчилик орасида омонат масаласида тушунтириш ишларини олиб борамиз. Бу ҳам ишончли, ҳам даромадли хизмат эканлигини жамоатчиликка етказамиз.

ОМОНАТ ДАРОМАД ДЕМАКДИР

Банклар тўғрисида гап бор-ганда, айримлар фақат пул олиш ҳақида ўйлайди. Бу албатта, нотўғри. Банклар айти вақтда мо-лиявий бойишингизга ҳам хизмат қилади. Агар ўз маблағингизни янада кўпайтиришни иста-сангиз, сиз ҳам том маънода иқтисодчига айланинг.

Гап нима ҳақида бораётганини зийрак ўқувчи тушуниб етди. Пулин-гизни уйда сақламай кўпайтириш йўлини тутинг. Бу борада биз сизга қўмаклашамиз.

Натижа ёмон эмас. Кейинги вақтда омонатчиларимиз сони ортиб бормоқда. Бу борада белгиланган режа кўрсаткичлари ортиғи билан бажарилаётгани бунинг тасдиғидир. Йил бошидан ҳар бир ой учун 10 мил-лион сўм режа белгилангани ҳолда кичик жамоамиз билан буни ортиғи билан бажариб келяпмиз. Январ ойида режани 120, февралда 170, мартда 180 ва апрелда 113 фоизга ба-жардик. Ҳисобимиз май ойида ҳам натижа кўнгиладигдек бўлишини кўрсатмоқда.

Ҳар қандай ютуқ ҳаракатга боғлиқ. Шу маънода биз доим мижозларга эътибор билан қараб, ҳамкорликда ишляпмиз. Омонатчилар ўз ўзидан бизни танламайди. Уларнинг ишон-чини қозониш керак. Марказимиз ходимлари бу борада катта тажри-бага эга. Хушмуомалалик ва марке-тинг иш фаолиятимизда бош меъзон ҳисобланади.

Дониёрбек ДАВРОНОВ,
Ангрен филиали “Омад” банк
хизматлари маркази менежери.

